

# БУЛБУЛГА ОШЁН МАСКАНЛАР

**Хоразм ўрмон хўжалиги Қакрали бўлими жамоаси ҳудуд ҳайвонот ва наботот оламининг ранг-баранглигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Тўқай асосан шўрхок-қумлоқ тупроққа, сувсизликка, ёз мавсумидаги юқори ҳароратга чидамли, нам излаб, ерга чуқур илдиз отадиган, тўронғи, жийда каби дарахтлардан, шохлари тарвақайлаб ўсадиган юлғун, черкез, шунингдек, ҳар ер, ҳар ерда учрайдиган саксовул буталаридан иборат.**

Бу ернинг қушлари, ҳайвонот олами ҳам ўзига хос. Лочин, кирғий, ўрдак, чиябўри, тулки, куён, бўрсик, силовсин. Уларнинг барчасини санаб чиқиш кийин, албатта.

Мутахассислар муҳофаза тадбирлари уюшқоқлик билан олиб борилаётганлиги туфайли вилоятимизнинг кўркам гўшалари, турли хил қушлар кўпаяётганлигини, булбуллар тўқай-ўрмонларимизнинг кўркига айланаётганлигини таъкидлашмоқда. Сўлим ҳудуднинг қай бурчагига қадам қўйсангизда, улар шу ерда ҳозир нозир — "Сиз инсонлар билан ҳамқадам, ҳамнафасмиз" дегандай беихтиёр хонишларини бошлаб юборишади.

Шу боис вилоятимизда ана шундай ҳудудлар, тўқайлар саҳнини кенгайтириш, табиат бойликларини кўпайтириш тадбирлари изчиллик билан давом эттириляпти.

Воҳамизда камайиб бораётган, ёхуд йўқолиш даражасига бориб қолган ноёб дарахтлар, буталар, ўсимликлар, ёввойи ҳайвонлар ва қушларни асраш ва кўпайтириш мақсадида Амударё соҳилларида барпо этилаётган "Хоразм миллий табиат боғи" ана шундай хайрли ишлар сирасидандир.

Миллий табиат боғининг ташкил этилиши Орол денгизи сатҳи қисқаришининг Хоразм воҳасига кўрсатадиган салбий таъсирини камайитириш, табиий генофондни, йўқолиб

бораётган доривор ўсимликлар ҳамда балиқларнинг ноёб турларини кўпайтириш, экотуризмнинг янги йўналишларини очиш эвазига кўплаб янги иш ўринлари яратиш, соҳадан тушадиган маблағлар эвазига заминда табиий ҳолда ўсадиган ўсимликлар, ҳудудда яшайдиган ҳайвонлар ва қушларнинг кўпайиши учун зарурий шарт-шароитларни яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Умуман, бундай табиий ҳудудлар, табиат масканларининг ҳаётимиздаги ўрни, роли катта. Уларнинг ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилаш, иқлимни мўътадиллаштириш, тупроқни сув ва шамол эрозиясидан сақлаш, экинлар ҳосилдорлигини ошириш билан бирга инсон саломатлигини таъминлашдаги аҳамияти бекиёс.

Илмий манбаларнинг далолат беришича бир гектар майдондаги дарахтзор ҳаводан карбонад ангидрид гази ва бошқа аралашмаларни ўзлаштириб, йил давомида 18 миллион куб метр ҳавони тозалайди, 10-20 тонна атрофида кислород ишлаб чиқаради.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 февралдаги "Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарнинг қимматбаҳо навларини сақлашга доир қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан вилоят ҳокими қабул қилган қарорда ҳам вилоят ва туманлар марказлари, шунингдек, йирик аҳоли истиқомат жойларида "яшил белбоғлар" барпо этиш, ўрмон фонди ҳудудини бутун чоралар билан кенгайтириш, дарахтзорлар сифати ва хилма-хиллигини таъминлаш, бунёдкорлик объектлари лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишда қурилиш майдонларида ўсаётган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг сақлаб қолинишига эришиш чораларини кўриш, кўкаламзорлаштириш ишлари кўламларини кенгайтириш кабилар муҳим вазифалар сифатида кун тартибига қўйилганлиги бежиз эмас.

Кейинги йилларда табиий ҳудудларни кенгайтиришдек эзгу ишларда кўплаб тадбиркорлар ҳам фаол қатнашмоқда. Жумладан, Хива тумани Чинобод қишлоғининг қум ва табиий сув ҳавзаларига туташ ҳудудларида иш олиб бораётган Бозорбой Раҳимов бошлиқ "Валико плюс" фермер хўжалиги жамоаси Қорақум бағридаги 400 гектар майдонда саксовулзор ташкил этди. 16 гектарлик сув ҳавзасида балиқ етиштиришни йўлга қўйди. Эндиликда бу ерга қадам ранжида қиладиган сайёҳлар саксовуллари кип-қизил бўлиб, гуллаб турган саҳрода сайр қилиб, ҳавзаларда балиқ овлаб, сўлим маскандаги чойхонада балиқхўрлик қилиб, табиат неъматларидан баҳраманд бўлиб, хордиқ чиқаришлари мумкин.

Бундай хайрли ишлар изчил давом эттирилмоқда. Бу эса воҳамиз ўсимлик ва ҳайвонот дунёси - табиий генофондининг кенгайиб бориши, атроф-муҳитнинг мусаффо, тоза бўлиши гаровидир.

**Оллаберган РАЖАБОВ.**